



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 183 (9.986)

2003 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ

**Пойтахтнинг
бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСКА
сатрларда**

● «ТУРКИСТОН» саройида Корея Республикаси маданияти кунлари доирасида корейлик санъаткорларнинг концерти бўлиб ўтди.

● МИРЗО Улугбек номили Узебекистон Миллий университетда «Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омиллари» мавзусида ўтказилган семинар маъқур илм маскани ташкил этилганлигининг 85 йиллигига бағишланди.

● ОБОД маҳалла йили муносабати билан «Обод маҳалла» дастури доирасида Юнусобод туманида «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танлови ўтказилди.

● РЕСПУБЛИКА Онкология илмий марказига хориждан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

● «ДЕДЕМАН» меҳмонхонасида «Катта шаҳар чироклари» деб номланган мавсумий либослар кўргазмаси олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● РЕСПУБЛИКА Марказий банкда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан «Иқтисодий ислохотларнинг маънавий омиллари» мавзусидаги анжуман ўтказилди.

● ОШХОНА, ётоқхона мебеллари, стол-стуллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган шахримиздаги хусусий тадбиркор Қамбаров корхонаси юмшоқ мебелларни тайёрлашни ҳам рожалаштирмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2003 йил 18-19 сентябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг Украинанинг Ялта шаҳрида бўлиб ўтадиган мажлисида иштирок этади.

Ташриф довомида МДҲ доирасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқоро муаммоларни муҳокама этиш ва қатор муҳим ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

МДҲ: ҲАМКОРЛИК АСОСИ — ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилганига деярли ўн икки йил бўлди. МДҲ давлатлар ўртасида ўзаро янги муносабатларга асосланган, янгича қарашлар пайдо бўлган, «совуқ уруш» тушунчаси нутқимиздан аста-секин чиқа бошлаган мураккаб тарихий туб бурилиш пайтида юзага келди.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси, энг аввало, МДҲ доирасида иқтисодий интеграциялашув, давлат суверенитетлигига асосланган ҳўжалик муносабатларини ўрнатилиш, сиёсий мустақиллик ва жамиятни замонавий индустриаллаштириш орқали ўз иқтисодини ривожлантириш мақсадида ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлардан бири саналади.

Ва аини вақтда Ўзбекистон бошидан оқов давлатларнинг бирига таъйин ўтказиш орқали ушбу жараёнларни сиёсийлаштиришга қарши чиқди. Нисбатан қисқа тарихий муддатда маъқур ташкилот фаолиятида унга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши томонидан 399 та ва ҳўкумат раҳбарлари Кенгаши томонидан 681 га яқин ҳўжатлар қабул

қилинди.

Ўтган йиллар довомида Ўзбекистоннинг МДҲга нисбатан тугган йўли аниқ ва доимий бўлиб қолмоқда. Бу йўл ушбу ташкилот фаолияти негизиде, энг аввало, МДҲга аъзо барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, давлатларнинг тенг ҳўқуқлилигига асосида иқтисодий интеграциялашувни, ҳамкорликда иқтисодий тамойиллар бўлишини аниглади. Бу ўринда биринчи галда икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамлашишига эътибор қаратилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон бир неча бор МДҲга халқаро субъект ҳўқуқини бериш, шунингдек, уни ҳарбий-сиёсий блокка айлантиришга қарши эканлигини билдирди.

Сўнги йилларда МДҲга аъзо

айрим мамлакатлар раҳбарлари томонидан ушбу ташкилотга муқобил бўлган қандайдир янги блоклар ва иттифоқлар тузишга ҳаракатлар бўлди. Бироқ, ўз-ўзидан тушунарлики, бундай жараёнлар Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари масъулиятини ҳис этиб турган ва бир-бирини ўзаро тушунган бир шариоитда МДҲ доирасида ҳамкорлик қилишга қарши чиқиш демақдир.

Аммо вақт шуни кўрсатмоқдаки, МДҲ давлатларида яшовчи инсонлар онгида бутунлай ижобий ўзгариш юз берган. Ҳамдўстлик ташкилоти ҳаёти шундай муҳим бурилишга юз тутдики, эндиликда маъқур ташкилот фаолиятининг барча қирраларини тубдан ўзгартирмасдан муҳим ва ижобий ўзгаришларга эришиш мушкул. Шу маънода Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Ялта шаҳрида бўладиган навбатдаги йилгилиши ушбу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлиб қолади.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий университетда иқтисодиётни эркинлаштириш шариоитида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва инсон омиллини ривожлантириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик, идора, ишлаб чиқариш корхоналари ва қиллари, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири олимлари ва мутахассислар иштирок этди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳажон таҳрибасини ўрганиш, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шариоитида уни ислох этишининг самарали усул ва шакллари, ўтиш даврида меҳнат ва ижтимоий сугурта бозорларининг ривожланиш йўналишларига бағишланган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий-сиёсий соҳада олиб борилаётган ислохотлар жараёни, муаммо ва ютуқлари таҳлил этилди. Юртимизда ижтимоий соҳани ислох этишининг ҳўқуқий асослари, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда маҳалланингни ўрни, инсон омиллини ривожлантиришга қаратилган таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига оид маърузалар тингланди.

Шунингдек, меҳнат бозори самардорлигини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлашда кичик ва ўрта бизнеснинг тугган ўрни, ижтимоий ислохотларни молиялашда ноъбанавий, нодавлат манбаларнинг аҳамиятини ошириш борасида фикрлашилди.

камасининг «Озон қатлами» ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Анжуманда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарида озон қатламига безарар технологияларни қўллаш самараси, бу борода амалга оширилаётган илмий изланишларнинг аҳамиятига оид маърузалар тингланди.

Ў.А

ОЗОН ҚАТЛАМИ ВА ЗАМИН ТАҚДИРИ

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Ўзбекистон ҳўкумати ва БМТнинг қўшма Атроф-муҳит дастури билан ҳамкорликда илмий анжуман бўлиб ўтди.

16 сентябрь - Озон қатламини муҳофаза қилиш халқаро кўнига бағишланган ушбу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари вакиллари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида халқ ҳўжалигининг тоқсик бўлмаган, тез аланга олмайдиган моддаларга эҳтиёжини қондириш мақсадида қўлланила бошланган хлорфторуглеродлар ва галогенуглеродлар кейинчалик ҳавонинг озон қатламини емириши аёнлашди. 1990 йилга қадар саноятда жадал сурьатда қўлланилган бундай моддаларнинг ер юзидеги ҳаёт ва инсоният учун жиддий ҳавф тугдириши аниқлан-

гач, озонни ҳимоялаш бўйича халқаро ҳаракат бошланди.

Бир юз саксондан кўпроқ мамлакат аъзо бўлган Вена конвенцияси ва Монреаль протоколида озон қатламини емирувчи моддалар ишлаб чиқаришни тўхатиш, бундай махсулотлар импорт-экспортини қатъий назорат остига олиш вазифаси белгиланган.

Мамлакатимиз 1993 йил Вена конвенцияси ва Монреаль протоколига қўшилди. Вазирлар Маъ-

ХҲИ саҳоси
ХҲИ АСР
Барча маълумлардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● «Женерал моторс» компанияси президенти Ник Райли республикаимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар билан танишиш, уларнинг сифатини баҳолаш мақсадида Андижон вилоятида бўлди. У «ЎздЭУавто»да технологик жараён, меҳнат шариоитларини кўздан кечирди ва автомобилсозларга юқори баҳо берди.

● Фарғона вилоят марказида барча қулайликларга эга маҳалла маркази иш бошлади. Икки қаватли бинога Фарғона шаҳар «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Оила» илмий-амалий маркази, вилоят «Маҳалла» жамғармаси идораси жойлаштирилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● ЮСАИД томонидан молиялаштирилган Табиий ресурсларни бошқаришни тақомиллаштириш дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридеги Зарафшон водийси сув ҳўжалиги бошқармасига гуманитар-техник ёрдам тариқасида энгил ва огир қурилиш техникаларини топширилди.

● Навоий шаҳрида ҳайкалтарашларнинг халқаро симпозиуми бўлиб ўтмоқда. Унда Россия, Қозоғистон давлатларидан ташриф буюрган таъикли ҳайкалтарашлар ҳам қатнашмоқда.

Жаҳонда

● Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг 58-сессияси бошланди. Унда ташкилотга аъзо бўлган 191 давлат делегацияси иштирок этмоқда. Сессияда 165 қисмдан иборат муҳим масалалар кўриб чиқилди.

● Россия Президенти Владимир Путин Сочи шаҳрида Белоруссия Президенти Александр Лукашенко билан музокаралар ўтказди. Хабарларга кўра, музокараларда асосий мавзу валюта бирлиги масаласига қаратилди.

● Швеция давлати евро валютаси ҳудудидаги кириш юзасидан референдум ўтказди. Ҳисобчиболарга қараганда, Швеция фуқаролари ўз валюталарига содик қолишган.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Шимолӣ Кореяни нарко-бизнес йўллари билан бўш қўйганликда ва унга қарши кураш олиб бормаётганликда айблади.

• ИҚТИСОДИЁТ

КЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

«Юлдуз» акционерлик жамиятида янги «Evgora-Fashion» деб номланган Ўзбекистон-Чехия кўшма корхонаси иш бошлади.

Замонавий хорижий ускуналар билан жиҳозланган ушбу кўшма корхона тўла қувват билан ишга тушгач, ойга 600 тадан 1000 тагача тикув маҳсулотлари тайёрлаш мумкин. Бу ерда малакали чеварлар меҳнатлари билан эркаклар костюм-шимларининг юксак сифатли, замонавий турлари тикилади. Бунинг учун янги технология жижозлар хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига келтирилиб ўрнатилди. Ҳозирда ана шундай замонавий ускуналардан учтаси ишга туширилди. Улар ёрдамида эркаклар шими, костюми ва кўйлагига тайёрланади.

Албатта, харидорнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сифатли хом ашё зарур. Маҳсулотлар учун керакли мато ва фурнитурга жиҳозлари Чехия, Америка Кўшма Штатлари, Ҳиндистон ва Канададан олинади. Бунинг учун бир қанча шартномалар имзоланди.

Кўшма корхона маҳсулотларининг харидорларни жалб этишда шубҳасиз тажриба-синов цехи модельер-конструкторларининг изланишлари ўз самарасини беради. Мавсум олдидан янги технологиялар, хорижий ускуналар ёрдамида тикилаётган эркаклар устки кийим-кечаклари харидорларни мамнун этиши, нафақат ички, балки хориж бозорига ҳам ўз ўрнини топиши шубҳасиз.

ХОРИЖДА ХАМ ЎЗ ХАРИДОРИГА ЭГА

Экспорт салоҳияти йил сайин ортиб бораётган корхоналар орасида «Совпласттал» кўшма корхонасида 7000 турдаги маҳсулотнинг бир қисми жаҳоннинг 30 зىёд мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Ушбу маҳсулотнинг кўпчилиги Италия, Япония, Германия ва Корея технологиялари асосида тайёрланмоқда. Чинни, шийа ва пластмассадан моҳирлик билан бозор талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари, турли жамламалар, эсдалик совғалари, соат ва гулдонлар, лаган ва бошқа хилма-хил маҳсулотлар харидорларни ром этиши, шубҳасиз. Бугунги кунга келиб, жамоада чинни ва сополдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамми кўпайиб, уларнинг тури 230 тага етди. Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишга туширилиши эса корхонага четдан хом ашё келтиришни камайитириш имконини беради.

Шунингдек, корхонада маҳаллий хом ашёдан арзон ва сифатли полистилен маҳсулотлар тайёрланмоқда. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўиши мақсадида тадбиркорлар спорт жиҳозларидан янги турдаги қулай стулларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бюртмасыга кўра жамоада бир маротаба ишлатиладиган пластмасса идишлар ҳам тайёрланмоқда. Корхона дизайнер-рассомлари маҳсулот сифатини ошириш, уни харидорга манзур этиш йўлида изланишмоқда. Уларнинг меҳнати маҳсулот турлари кўринишида ўз аксини топмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА.

Бугун деярли ҳар бир кўчада иккита-учтадан дўкон бор. Бу жуда яхши албатта, шошиб турганимизда, меҳмон келганида югуриб бориб керакли нарсани харид қилиш учун бундай дўконлар қулай. Қолаверса, дўкон кўздек қўшингиз ёки қариндошингиз, нари борганда маҳалладошингиз томонидан очилганлиги учун ҳам ишончлидир. Алдамайди, ахир кўз-кўзга тушиб турадида, деб хотиржам бўласиз. Ҳар ҳолда ўзбекчиликда маҳсулотни сотиб олаётганда баъзида истиҳола билан, баъзида андиша биланми харидорлар маҳсулотни санаси ва айнан шу корхонада сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, қвитанция ёки бошқа ҳужжатларни сўрамайди ёки унутади.

ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Афсуски, бундай ишончли суистеъмом қилувчи дўкондорлар ҳам бор. Улар бундан фойдаланиб истеъмомли ҳақиқа хийнат қилишни давом эттираверади. Аммо, истеъмомчиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган бир қанча қонунлар мавжуд. Бундай қонунлар ўз навбатида харидорларни ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотни сотувчилар, ижрочи ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини кенг қамраб олади. Лекин бу билан вазиятни истеъмомчиларнинг фойдасига ҳал этиш биров қийинроқ кечади. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарур.

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан мунтазам равишда «Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг ижроси назорат қилиб борилади. Бошқарма томонидан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Зафар Ширин савдо», «Биродарлик дори», «Наргиза Шифо», «Ўзсерокс», ҚҚ, «Илтифот», «Бобуржон Ирода», «Ксюша», «Бегим савдо», «Алихон», «Муборак», «Муродим», «Матқовулбой», «Мис Бар», «Бальзам» хусусий корхоналарида қонун талабларига риоя этили-

ши юзасидан текширувлар ўтказилди. Ўтказилган текширувлар натижасида қуйидагилар аниқланди. Хусусан, «Ксюша» хусусий корхонасининг савдо дўконидида ўтказилган текширув натижасида, савдода умумий миқдори 44 минг сўмдан зиёд яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳамда яроқлилик муддати бир ой олдин ўтиб кетган болалар «Нестле» сут маҳсулотининг сотилаётганлиги аниқланди. Қонунбузарлик юзасидан хусусий корхонага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари ёки 2 миллион 267 минг 500 сўм жарима қўлланилди. Ачинарлиси шундаки, сотувчилар «мўмай» даромад ишлаш учун ҳатто гўдакларни-да алдашдан тойишмаган.

«Зафар Ширин савдо» хусусий фирмасининг савдо дўконидида эса бошқачароқ вазият, яъни истеъмомчилар хариди учун назорат касса машинасида фойдаланилмаётганлиги аниқланган. Ахир касса чеки харидорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси эмасми? Юқорида қайд этилган қонунбузарлик юзасидан хусусий фирмага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдориди жарима қўлланилди.

Бир гал кўшним зор қақшаб, дориларнинг нархи отнинг калласидек

эканлигини, фарзандини даволаш учун дори-дармонга пули етмаётганлиги ҳақида ҳасрат қилиб, қарз бериб туришимни сўраб чиққанди. Қўш тирноқ ичидаги ишбилармон ва устмон сотувчиларимиз, ҳатто беморларнинг энг оғир шароитидан ҳам «унумли» фойдаланишмоқда. «Биродарлик дори» масъулияти чекланган жамияти дори-хонасида текширув ўтказилиб, текширув давомида айрим хорижий дори-воситаларининг сотишда қўлланилаётган устамалар оширилган ҳолда сотилаётганлиги, 20 фоиз чакана савдо устамаси қўллаш ўрнига 20 фоиздан юқори чакана савдо устамалари қўлланилганлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатишда кўрсатилган хизматлари учун чипта берилиши борасида мониторинг ўтказилиб, «Тошшаҳарйўловчигитранс» давлат уюшмасига қарашли 3,4,5,12,18-сонли автокорхоналарга нисбатан кўрсатилган хизмат учун истеъмомчиларга чипта берилмаганлиги аниқланган.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистонни биласизми?

Мамлакатшунослик мавзуидаги викториналар аҳолининг бирон-бир ўлкага нисбатан қизиқишини уйғотибгина қолмай, ушбу давлат тарихи, маданияти ва замонавий ҳаёти ҳақида қай даражада билимга эга эканлигини аниқлаш имконини беради.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан «Мульти-Культи» радиостанцияси ҳамда нуфузли газеталаридан бири «Тагешпигел» ҳамкорлигида «Ўзбекистонни биласизми?» викторина танлови ўтказилди.

Ўн саккиз ёш ва ундан катталар учун уюштирилган маъкур танловда Берлин шаҳри ҳамда Германиянинг бошқа федерал ўлкалари аҳолиси иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, берлинлик Ханс Гюнтер-Дардеманнлар оиласи мамлакатимиз тарихи, маданияти, иқлими ва табиатига оид туркум саволларга беҳато жавоб бериб, етти кун давомида Буюк ипак йўли дурдонаси ҳисобланмиш Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини зиёрат қилиш, ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги ва олийҳимматлигидан баҳраманд бўлиш имкониятини кўлга киритди.

Аслам АКБАРОВ,
Жаҳон АА, Берлин.

• БУНЁДКОРЛИК ЯНГИ УЙЛАР — ШИНАМ ХОНАДОНЛАР

Шаҳримизда нафақат ташқи кўрки, балки ички қулайликлари билан яшовчилар талабига мос бўлган турар жой бинолари бунёд этилиб, улар хонадон ахллари хушнуд этмоқда.

Ана шундай янги уйларни бунёд этишда «Габус» қурилиш-инвестицион фирмасининг қурилиш корхоналари фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг самарали меҳнати боис Нукус-Маштабб, Мовароуннаҳр, Шевченко, Шаҳрисабз кўчаларида бугунги кун талабларига мослашган кўп қаватли гиштли турар жой бинолари қад ростламоқда.

Шаҳримиз мавзе ва кўчаларининг чиройини очиб, хонадон ахллари мамнун этаётган уйлар қурилишида фирманинг «Габус-қурилиш-5» шўба корхонаси бунёдкорлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Кўркам Шаҳрисабз кўчасида кўкка буй чўзаётган 2 та 7 қаватли уйнинг ҳар бири 12 тадан хонадонга мўлжалланган. Қурилиш-тиклаш ишлари ноҳиясига етаётган ушбу турар жой биноларидаги 4 хонали уйларнинг умумий майдони 220 квадрат метрни ташкил этади. Айниқса катта ва кичик айвонлар яшовчиларга қулайлик тугдиради.

— Ҳозирда қўллаб қад ростлаётган



уйларнинг 1-қаватида савдо расталари ва маиший хизмат шохобчалари қурилиши лойиҳалаштирилганлиги хонадон аъзолари учун яна бир қулайлик яратади, — дейди шўба корхонаси раҳбари Абсалим Бошманов. — Қурувчиларимиз айна кунларда астойдил

ҳаракат қилишмоқда. Эшик ва ромларни ўрнатиш, йўлақларни пардозлаш юмушлари сифатли адо этилмоқда. Ички пардоз юмушларини эса хонадон соҳиблари талаб ва эҳтиёжга яраша ўзлари амалга ошириши режаланган. Бу ортиқча ҳаражат ва қурилиш ашёлари исрофгарчилигининг олдини олади.

Ҳа, албатта шаҳримизда янги уйларнинг, шинам хонадонларнинг кўпаяётганлиги аҳоли фаровонлиги ошаётганидан, оилаларнинг турар жойларга бўлган талаби қондирилаётганидан дарақдир. Бу борада эса қўли гул, маҳоратли бунёдкорларнинг хизматлари эса каттадир.

Дилфуза ФАНИЕВА
СУРАТЛАРДА: тикловчи Рустам Саъдуллаев сифатга эътибор қаратади; гишт терувчилар Сафарбой Мадаминов ва Ҳасан Бердиевлар ҳамжиҳатликда ишлашади.
Ҳажимжон Солихов олган суратлар.

Мабийёт**МАРКАЗ
ИШ БОШЛАДИ**

Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу ерда спорт травматологияси маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади. Иختисослаштирилган бу шифобахш марказда республикамиз спорт федерациялари ва терма жамоалари учун муолажалар олиб бориш йўлга қўйилди. Айни вақтда факрийлар, ногиронларнинг шикастланиш хасталикларини даволаш жараёнлари амалга оширилади.

Марказ Москва травматология маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу эса энг замонавий илгор тиббий даволаш усуллари амалиётда қўллаш имконини беради. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти билан биргаликда ўқув курси очилди.

Марказда Марказий Осие республикаларидан келган мутахассислар ҳам ўз саломатликларини мустақамлашмоқда.

**ЎЗБЕК ТИЛИДА
БИРИНЧИ МАРТА**

Янги ўқув йилига тиббийёт бўйича ҳам қатор дарслик ва қўлланмалар тортиқ қилинди. Абу Али ибн Сино номидаги тиббийёт нашриёти чоп этган ўқув адабиётлари ҳам бўлажак шифокорларга яхши совга бўлди.

«Фармацевтик кимё» деб номланган қўлланма ҳам нашрдан чиқди. Республикамиз тиббийёт коллежлари учун мўлжалланган бу китоб фармацевтика йўналиши дастури асосида юзага келди.

Тиббийёт олий ўқув юртлири учун махсус яратилган «Нутрициология» ўқув адабиёти эса овқатланиш наزاریясини ёритишга бағишланди. Ўзбек тилида биринчи бор чоп этилган мазкур адабиёт талабаларни инсон саломатлиги учун муҳим омил бўлган овқатланиш ҳақидаги билимлар билан таништиради.

**ЧИКИНДИСИЗ
ТЕХНОЛОГИЯ**

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институти лабораторияларида тайёрланаётган дори-дармонларга бўлган эҳтиж ортиб бормоқда. Вакцина ва ташхис тест тизимларининг янги авлодини яратишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ирингли-шамоллаш касалликларини даволашда муолажа бўлиб хизмат қиладиган янги иммуноглобулин устида изланиш олиб борилди. Уни йилига 300 литрни тайёр махсулот шаклида ишлаб чиқаришга эришилади.

Қонни қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологиясини жорий этиш туфайли янги хил препаратлар тайёрлаш учун техник замин ҳозирланди. Бу биргина альбумин ишлаб чиқариш ҳажмини 1500 литрга, иммуноглобулин тайёрлашни 250 минг ампулага етказиш имконини беради.

Ақбар АЛИЕВ

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Шарқда, хусусан Турон заминидида қадим-қадимдан ёш йигит-қизларни болалигиданоқ бирор касб-хунар этагидан тугишга ўргатишган. Мамлакат ривож ва эл-улус қоридан келиб чиқиб одамлар ўз фарзандларини эҳтижли касбларга йўллашган. Турли хунармандчилик сулоалари вужудга келган.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Тонг» очик хиссадорлик жамиятида ҳам ёшларнинг хунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Корхонамизга ҳар йили касб-хунар коллежларидан амалиёт ўташ учун 900 нафаргача ёшлар келишади, — дейди корхона кадрлар бўлими бошлиғи Наталья Ҳамроева. — Уларнинг кўпчилиги олган билимларини амалиётда қўллаб малакали кадрлар бўлиб етишмоқда. Матлуба Тўлаганова, Фариди Турумбетова, Шохиди Олимова, Гўзал Алиева

сингари қизларимиз ўзларининг илк меҳнат фаолиятларини бошлаганларига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир улар тикаётган кийим-кечаклар сифатидан мамнунмиз. Уларнинг малакаси босқичма-босқич ошиб бормоқда.

— Икки йил олдин 19-касб-хунар коллежини тугаллаб тўғри шу ерга келдим, — дейди ёш тикувчи Гўзал Алиева. — Ҳозир хориждан келтирилган тикув машинасида «Бройзер» русумидаги жинси-шортиклар тикяпман. Танлаган касбим ва ишимнинг натижасидан хурсандман.

— Қизларимиз ишни олдин тайёр махсулот тикишдан бошлашади, — дейди цех бошлиғи, мураббий Саида Олимова. — Бу йил коллежни битириб корхонамизга келган ёшларнинг кўли энгил, зехнлари тийрақина экан. Яқинда бизга ўзлари ўйлаб топган янги моделларни тавсия қилдилар. Улар корхонамиз моделлар бюросига маъқул тушди. Энди уларнинг ҳаммасини тикувчиликдан моделлар устида ишлашга ўтказдик. Келгусида улар моделчи-дизайнер бўлишади.

Дарҳақиқат, халқимизда хунарли киши ҳеч қачон хор бўлмади, деган ибратли гап бор. Буни чеварлик хунарини мукамал эгаллаётган қизлар яхши англашмоқда.

Шохиди ОЛИМОВА.



Ёш авлодга миллий кадрларимиз, урф-одатларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишда турли хил тадбирларнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

**“СОҒЛОМ ҲАМЖАМИЯТЛАР”
УЧУН ГРАНТЛАР**

Манфаатдор ноҳукумат ташкилотлар АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан лойиҳаланаётган “Соғлом ҳамжамиятлар” Марказий Осие дастури грантларига буюртмалар беришлари мумкин. Каунтерпарт интернетил ва Здрав-Плюс / Абт Асоусизйтс ишлаб чиққан дастур мамлакатимизда уч йилдан буён амалга оширилмоқда ва у маҳаллий аҳолида ўз соғлигига жиддий муносабатни шакллантиришга қаратилган.

— Дастлабки йилда грантлар учун бутун Ўзбекистон бўйича 111 та буюртма, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилоятларидан эса 25 та буюртма тушди, — деди дастур мувофиқлаштирувчиси Шўҳрат Толипов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Жами 13 та лойиҳа молиялаштирилди. 2002 йилда 74 та буюртма олдик, улардан 16 таси молиялаштирилди. Буларнинг учтаси Тошкент вилоятига тўғри келди.

Жорий йилда иккита йўналиш бўйича буюртмалар топшириш таклиф этилмоқда: булар маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва соғлиқни сақлаш соҳаларидир. Грантнинг энг юқори миқдори беш миллион сўмни ташкил этади. Бунда ташкилот сўраётган маблағининг 20 фоизини моддий ёки маблағ кўринишида улуш қўйиши керак. Барча лойиҳалар учун ўзлаштириш таклиф этилаётган муддат олти ойни ташкил этади. Ташкилотчиларнинг қайд этишича, грантни олиш кўзда тутилганларга танлов асосида тахсил олиб борилади ва саралаб олинган ҳолда техник ёрдам кўрсатилади.

Грантларнинг мақсади маҳалла ва нодавлат ташкилотларига одамларнинг соғлигига таъсир қилувчи ёки

соғлиқни сақлаш бўйича уларнинг хабардорлигини оширувчи лойиҳаларни бажариш имконини яратишдан иборат, — деди Ш.Толипов.

— Иккинчи томондан лойиҳалар аҳолининг тиббийёт ходимларига ва дастлабки тиббий-санитар муассасаларига ишончини мустақамлаш лозим.

Грантнинг устивор йўналишларига келганда шуни айтиш мумкинки, у соғлом овқатланиш, камқонликнинг олдини олиш, аёллар ва болалар саломатлиги, болалар тарбияси ва бошқаларни ўз ичига олади.

“Туркистон-пресс” маълумоти: Каунтерпарт Интернетил Марказий Осиеда 1994 йилдан буён фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлардан ҳисобланади. Ўттиз тўртта фуқаролик жамиятларини қўллаб-қувватлаш маркази орқали у грантлар тақдим этади ва таълим курслари олиб боради.

Здрав Плюс лойиҳаси 1995 йилдан буён Марказий Осиеда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш масалалари юзасидан ўз фаолиятини олиб боради. У ЮСАИД томонидан молиялаштирилади.

“Туркистон-пресс”

Маълим**ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯДАН
ЯНГИ ДАРСЛИК**

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу йилги беллашувга тақдим этилган мукамал қўлланмалар орасида жисмоний тарбия ва спортга оид қатор нашрлар ҳам бор.

Тахрибали педагог ва спорт устаси Карим Ярашев томонидан ёзилган «Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш» деб номланган дарслик ҳам мундарижаси ва мазмун-моҳияти билан ажралиб туради. У Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари учун чоп этилган энг яхши ўқув адабиёти деб баҳоланди.

Бу нашрдан бошқа олий ўқув юрларида, олимпия заҳиралари коллежларида ҳам кенг фойдаланилади. Малака ошириш курсларида жисмоний тарбиядан уюштириладиган машғулотлар учун ҳам мазмунли қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Абу Али ибн Сино номидаги тиббийёт нашриёти томонидан чоп этилган бу дарслик янги ўқув йилига яхши совга бўлди.

**БОЙ
МАТЕРИАЛЛАРГА ЭГА**

Республикамиз мактабларида араб тили сабоқлари ҳам олиб боришмоқда. Араб тилига ихтисослашган мактабларда машғулотлар олиб боришда бой тахрибалар орттирилди.

Тошкентдаги 1-, 29- ва 150-мактаблар иш тахрибаси эса араб тилини ўқиб ўрганишда қўл келмоқда. Шу сабабли бу билим даргоҳлари илгор таянч мактаб сифатида фаолият кўрсатмоқда.

«Араб тили»дан янги дарсликлар яратишда ана шу педагогик тахрибаларга таяниб иш кўрилди. 5- ва 6-синфлар учун мўлжалланган бу ўқув адабиётлари янги ўқув йили олдидан ўқувчиларга тортиқ қилинди.

«Билим» нашриёти чоп этган «Араб тили» дарсликлари бой материалларга эга.

(Ўз мухбиримиз)

Шаҳримиздаги меҳнат бўлимлари ҳақида сўз борганда, аввало туманлардаги маҳаллаларда ишни яхши ташкил қилиш, яъни аниқ режалар асосида юретиш керак, деб ўйлаймиз. Ҳар бир маҳаллага соҳасини яхши биладиган, ўз ишининг усталари бўлган инспекторлар бириктирилса, улар аҳоли ўртасида меҳнат бўлими томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақида тушунтириш ишларини олиб борадилар. Бектемир туман меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимининг ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилган малакали меҳнат нозирлари томонидан олиб борилаётган ишларга назар ташласак, уларнинг натижаси аниқ кўзга ташланади. Шулар хусусида туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур ТОЛИПОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

—Туманимизда 12 та маҳалла мавжуд бўлиб, туман ҳудудида июль ойи ҳолатига кўра истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 1417 нафарни ташкил этди. Жумладан, улардан 820 нафари 30 ёшдан юқори ёшдагилар, 553 нафари 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқаролардир. Бундан ташқари 16 дан 18 ёшгача бўлган ёшлар эса 44 нафарни ташкил этади. Маҳаллалар аҳолиси билан олиб борилган мониторинглар натижасида туманимизда банд бўлмаганлардан ишлашни хоҳловчиларнинг 810 нафари рўйхатга олинди.

• МУСОҲАБА

ҲАМКОРЛИҚДА, ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Ҳозир туман ҳудудида 504 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 44 таси катта корхоналар бўлиб, қолганлари кичик ва ўрта бизнес ҳамда микрофирмалардан иборат. Банд бўлмаган аҳолининг иш билан таъминланишига эришиш мақсадида уларда йил бошидан 548 та янги иш жойлари ташкил қилинди. Август ойи ҳисоб-китобларига қараганда меҳнат бўлими томонидан 262 нафар банд бўлмаган аҳоли ишга жойлаштирилди, 87 нафар фуқароларимиз ўқитиш ва қайта ўқитиш учун юборилган.

Режадаги ишларни аниқ ва тўғри ташкиллаштириш ва юритиш мақсадида меҳнат бўлимидаги барча ходимлар ўз имконият ва гайрат-шижоатларини намойиш қилиб меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, меҳнат бўлими инспектори Ориф Худоевров етук мутахассис сифатида тумандаги корхона, ташкилотлардаги муаммо ва камчиликлар юзасидан келаётган ариза ҳамда шикоятлар бўйича сидқидилдан иш олиб бормоқда. Жумладан, ойлик иш ҳақларининг вақтида тўланмаслиги, бўш иш жойлари тўғрисида ҳисобот топширмаган корхоналар бўйича, меҳнат бўлими томонидан корхона, муассаса, ташкилотларга ишга юборилган фуқароларни ишга олишдан асоссиз бош торгатилик учун ҳамда бошқа кўпга масалаларни ҳал қилишда бош-қош бўлмоқда.

Меҳнат бўлими томонидан Республика Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати

билан амнистия тўғрисида»ги Фармони асосан жазо муддатини ўтаб чиққанлардан жорий йил август ойи ҳолатига кўра 4 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган.

Эътиборли томони, меҳнат бўлими ходимлари аънавий меҳнат ярмаркалари ўтказиш усулидан воз кечиб, янгиликка юз тутдилар. Яъни банд бўлмаган аҳоли билан туман ҳокимлиги вакиллари, меҳнат бўлими ходимлари, корхона, ташкилот ва муассасалар мутахассислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати туман бўлимидагилар ҳамда маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари иштирокида очик мулоқотлар ўтказилди. Туманимиз микросида бундай тадбирлар ҳар чоракда ҳокимлик биносига, Гольф клубда ҳамда «Астробод» гузарига муваффақиятли ташкил этилди. Август ойида ўтказилган очик мулоқотимиз «Битирувчи-2003» деб номланиб, унда туманимизда истиқомат қилувчи битирувчи ёшларни ўз мутахассислари бўйича ишга жойлаштиришга ҳаракат қилдик.

Бундан ташқари тумандаги барча маҳаллалар ҳудудида ҳам режага асосан банд бўлмаган аҳоли билан очик мулоқотлар, учрашув ва тадбирлар уюштирилмоқда. Обод маҳалла йили муносабати билан айниқса, меҳнат нозирлари ўртасида алоқалар мустаҳкамланди. Масалан, «Роҳат», «Истиқбол», «Миришкор», «Зилола» каби маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда фаоллари билан самарали иш юритаётган ўз ишининг жонқуяри, гайрат-шижоатли маҳаллалар инспектори Беғали Юнусалиевнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Бир сўз билан айтганда, меҳнат бўлими ходимлари аҳолини иш билан таъминлаш билан бирга кўп болали оналар, кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтожларга, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қийналаётган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, жазо муддатини ўтаб қайтганлар ҳаётини изга солиш борасида ҳам талайгина ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди.

• МУЛОҲАЗА

МУТАХАССИСЛИГИМ БЎЙИЧА ИШЛАМОҚЧИМАН

Алишер ОТАБЕКОВ, коллеж битирувчиси:
— Мен газетангизда чоп этиладиган «Ишга марҳамат» саҳифасини бир идорага, дўстимнинг ёнига борганда ўқидим ҳамда сизлар билан ўз мулоҳазаларимни ўртоқлашишга жазм қилдим.

Тошкент Авиасозлик коллежига ўқишга кирдим ва уни ўзим жуда хоҳлаб танлаган касб бўйича 2000 йилда битирганман, не-не орзуларим бор эди... Шу кунгача ҳам мутахассислигим бўйича иш тополмадим, дипломим ҳам чанг босиб ётибди. Туман меҳнат бўлимига эса кўп бор мурожаат қилганман, шунингдек, улар томонидан уюштирилган бир нечта ҳудудий меҳнат ярмаркаларида ҳам қатнашдим. Менга «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳисдорлик жамиятига ва яна бир нечта корхоналарга йўланма беришни таклиф қилишди.

Ҳозирча улардан унча қониқмадим, чунки уларда ойлик маошлари кам ёки вақтида тўланмайди. Тўғри, ҳозир ишсиз юрганам йўқ, лекин бу юмушни мажбурий юзасидан бажараётгандайман...

Хоҳлаган ишларини топиб, касб-корларидан ғурурланадиган тенгдошларимни кўп кузатганман. Уларга жуда ҳавас қиламан. Меҳнат бўлими ходимлари тавсия қилаётган бўш иш ўринлари, менимча соҳа мутахассислари томонидан чуқурроқ ўрганилиши керак, деб ҳисоблайман. Албатта ўз мутахассислигим бўйича ишлаб, молиявий аҳолимини режага солган, олий ўқув юртига кириб ўқишни ўз олдимга аниқ мақсад қилиб қўйганман. Менимча, ўзи севган касбда ишлаш фақат ўша инсоннинг ўзигагина эмас, балки унинг оиласи, жамиятга ҳам катта наф келтиради.

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Инсон тарбиясининг шаклланишида маҳалланинг ўрни беқиёс. Шу боисдан ҳам истиқлол шарофати билан ўзини-ўзи бошқариш органи мақомига эришган маҳалла фаолиятини тубдан яхшилаш, жамиятимиз ҳаётида унинг ўзига хос ўрнини белгилаш мақсадида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлардан барчамиз қувонамиз. Дарҳақиқат, ёшларнинг камолотга эришиши учун аввало маҳаллага эътибор керак. Чунки келажагимиз ворислари тарбияни айнан маҳалладан, ўзлари билан ёнма-ён яшаётган ота-боболаридан ўрганадилар...

Бу борада Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров номидаги маҳаллада мақтовга арзигулик ишлар қилинмоқда. Аввало маҳалла ахлининг ўзаро аҳил, иноқ эканлигини таъкидлаш жоиз, албатта. Кўчалар, хонадонлар лойиқи саранжом-сарийшга, батариблги ҳам эътиборга лойиқ.

Шу ерда истиқомат қилувчи Собир ака Қосимов хонадонини нафақат маҳалладошлари, балки кўлаб ҳамшахарларимиз ҳам билишади, уларнинг кўп йиллардан буён давом

этайтган хайли ишларини кўлаб-қуватлашлари ҳам бежиз эмас. Маҳаллада истиқомат қилувчи 2500 нафар фуқаролардан мингга яқини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг бекорчилига берилишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда Собир ака бошчилигида хонадонда ўғиллари, келинлари, неваралари қандолатчилик шеҳида шириндан-шаркар маҳсулотларини тайёрлаб, маҳалладошларини мамнун этишмоқда. Миллий ширинликларимиз ҳисобланган новвот,

қолва, парварда, пашмак, манпазиларни каттаю кичик бир-дай севиб истеъмол қилишади.

Бу маҳсулотларни ҳаммаимиз мазза қилиб еймизу лекин уларнинг қандай тайёрланишини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Уларнинг ҳар бири маълум бир технологияга асосан бир нечта жараёни ўз ичига олган ҳолда катта меҳнат звазига тайёрланади. Бунинг учун меҳр, қунт, билим ва маҳорат зарур.

Қандолатпаз Собир ака Қосимов хонадонда тайёрланган ширинликлар наинки маҳаллада ўтадиган тўй-тантаналарда, тадбир маросимларда, балки туман, шаҳар микросидаги кўрик-танловларда, байрамларда кўрган кўзларни қувнатади. Юртимизга ташриф буюраётган хорликлар ҳам мажмур маҳсулотларини тайёрлашни жараёнини қизиқиш билан кутади.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Азал-азалдан ота-боболаримиз ўз фарзандларини касб-хунарга ўргатганлар. Бунда аҳиб бир маъно яширингандай. Ҳозирги техника даври, тезкор кунларимизда ҳам қўли гул хунарманд усталар томонидан яратилган ганч ўймакорлиги намуналари, наққошлик, зардўзлик, заргарлик маҳсулотлари ҳаммаини ҳайратга солиб, фахрланиш хиссини уйғотади. Давлатимиз томонидан ёшларимизнинг келажақда ҳаётда ўз муносиб ўринларини эгаллашлари учун ўрта махсус, касб-хунар коллежлари фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйилишига муҳим аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида ҳам ёшлар кўлаб миллий хунарлар ва мутахассисликларга ўқитилмоқда.



ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАР

— Ўқув масканида ҳозирги кунда 1500 дан зиёд ўқувчи ёшлар 9 йўналишда мутахассисликлар сир-асрорларини ўрганмоқдалар, — дейди коллеж директори Ҳасан Йўлдошев. — Улар жумладан заргарлик санъати, бадий миллий либос, бадий наққошлик, бадий ёғоч ўймакорлиги, газ таъминоти жиҳозларини ўрнатиш ва «В», «С» тоифали автомобиль ҳайдовчилари касбларига ўқитилади.

Коллежда шунингдек, дурадгор ва паркет ишлари, авточилангарлик, умумқурилиш ва ҳисобчилик каби мутахассислар ҳам тайёрланади. Дарсларни малакали, ўз соҳасининг етук

билимдонлари бўлган педагоглар ва касб-хунар таълими муҳандислари олиб борадилар. Улар орасида икки нафар фан доктори, иккита фан номзоди ҳамда шунча аспирантлар бор. Билим юртидаги ўқув хоналари ва устоналар замон талабларига жавоб берадиган техник воситалар билан жиҳозланган.

Мазкур билим масканининг ер майдони 4 ярим гектар бўлиб, ўқувчи ёшларнинг билим олишлари ҳамда шу ернинг ўзида амалиёт ўташлари учун ҳам барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган. Ёшларнинг жисмонан бакуват бўлишлари учун коллежда замонавий спорт зали, футбол майдончаси, баскетбол, волейбол, теннис корти ҳамда 25х12 метрли ёпиқ сув ҳавзаси ҳам улар ихтирида.

Жорий йилда коллеждан илк қалдирғочлар учирма бўлдилар. 160 нафар йигит-қизлар бешта мутахассислик бўйича диплом олдилар. Бугунги кунда улардан 16 нафари олий ўқув юртида таҳсил олмақда. Қолганлари эса ўз соҳалари бўйича турли корхоналарда меҳнат қилмоқдалар.

Келажагимиз давомчилари бўлган ёшларимиз ўз қизиқишлари, иқтидорларига қараб хунар ўрганишлари, албатта қувонарли ҳол. Бу йўлда коллеж ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари самара беришига ишонамиз.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА СУРАТЛАРДА: коллежнинг заргарлик бўйича малакали ўқитувчиси Ҳожиа Тоирова ўқувчилар билан амалий машғулот ўтказмоқда; газ таъминоти соҳаси бўйича амалий дарс пайти.

• КАСБИМ — ФАХРИМ

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

— Инсон ўзлигини таниганидан, балки гўзалликка интилиб яшайди. Шундан бўлса керак, унинг ўзи ҳам гўзаллик яратишга мойил бўлади. Дунёда бундай касблар кўпга топилади. Улардан бири шубҳасиз сартарошлик десам, менимча адашмаган бўламан.

Ёш қизалоқлигимдан онамларнинг сочларига ҳавас билан қарардим. Уларнинг сочлари узун ҳамда қалин, хуллас, жуда ҳам чиройли эди. Ёш бўлишимга қарамай онамга сочларини ҳар хил турмаклашни тавсия қилардим. 6-7-синфларда ўқибтганимда эса қўшни қизлар, синфдошларимнинг сочларини турмаклай бошлаганман.

«Йигит кишига 40 хунар ҳам оз» дейди халқимиз. Менимча, бизнинг давримизда қизларга ҳам касб-хунар жуда зарур деб ҳисоблайман. Буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз ҳам фарзандларига бежиз хунар ўргатишмаган-ку. Ҳозирги кунда биз ёшларга шу мақсадларда қулай шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратилган. Озгина қунт, қизиқиш бўлса, ҳамма кўзлаган мақсадингга эришиш мумкин. Айни пайтда бозор

иқтисодиёти инсон имкониятларини рўёбга чиқаришга кенг йўл очди. Чунки бозордаги талаб ва таклиф қонуниятини доимо одамларнинг ҳаракатчан ва тадбиркор бўлишини талаб қилади. Энг асосий эса ёшларнинг ўз тақдирини ва фаолиятини учун ўзи масъул бўлишини ҳаётини аънамага айлантиради.

Мақтабни битиргач олий ўқув юртига ўқишга киролмадим. Меҳнат бўлими томонидан ўқув марказига сартарошлик касбига ўқишга йўланма олдим. Ўқиш даврида малакали устозларимдан саёбқ олиш билан бирга, амалиётини ҳам биргаликда олиб бордик.

Маҳалламизда бозор, чойхона, нонвойхона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат шохобчалари жойлашган гузар мавжуд. Ўқишни битириб шу ердаги янги очилган сартарошхонага устатага шоғирд тушдим. Ишимдан жуда мамнунман. Севган ишинг, атрофингга сени кўлаб-қуватла, керак бўлганда насихатларини юрдамларини аямайдиган одамлар бўлса, ўзининг бахтиёр ҳисобларкансан киши. Иш жойимда соч турмаклашдан ҳеч нарчашим мумкин. Айни пайтда бозор

ишади. Ўзига мослаб қилинган соч турмаги гўзал қизлар ҳамда лобар аёлларимизнинг чиройига чирой қўшибгина қолмай, уларнинг кайфиятларини ҳам кўтарарди. Демак, уларнинг ўқиш ва ишда фаолликлари ошади. Оилам аъзолари ҳам энди сартарошхонага бормаيدиган бўлиши. Ўйда хунаримни ишга солиб, яқинларимнинг хизматида бўламан. Малакамни ошириш устида келгусида улкан режалар тузиб қўйганман. Ўша кўзлаган мақсадлар сари ҳаракат қиламан.

Ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиш кўп меҳнат, машаққатлар талаб қилади. Мен келажақда туманимиз, шаҳар ва ҳатто республика микросида ўтказиладиган кўрик-танловларда қатнашиб, совриқли ўринларни эгаллашни, насиб этса хоржида ўтадиган беллашувларда ҳам Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан. Ўз касбимнинг сир-асрорларини мукамал ўзлаштириб бормоқчиман. «Хунари хор бўлмайди» деганларидек, фақат эзгуликка интилам.

Сурайё ТОЛИПОВА, гўзаллик саломи сартароши.

Сўраш, жавоб берамиз

ҲОМИЛАДОРЛИГИМНИ ВАЖ ҚИЛИШДИ...

Мен хусусий фирмага ишга кирмоқчи эдим, ҳомиладорлигимни важ қилиб ишга қабул қилишмади. Улар ҳақми?

Анора Салимова, Миробод тумани.
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 224-моддасига биноан, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайитириш тақиқланади. Ишга қабул қилишда иш бевучи рад этиш сабабини аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда ҳомиладор аёлга бериши шарт. Фуқароларнинг ишга қабул қилишдаги рад жавобини суд орқали ҳал этиш мумкин.

РЎЙХАТГА КИМЛАР КИРИТИЛАДИ?

Давлат ташкилотиде ишлайман. Ташкилотнинг таркибий рўйхатига қандай ходимлар киришни тушунтириб берсангиз?

Рустам Шаҳобиддинов, Яқкасарой тумани.
1999 йил 30 июлдаги 788-сонли «Елланма ишдаги ходимларнинг ойлик маоши ва сони бўйича йўриқнома»да ташкилотнинг таркибий рўйхатига унда доимий, бир кун ва ундан кўп вақт мобайнида ишлаётган ходимларнинг барчаси киритилиши лозим, деб қўрсатилган. Бундан ташқари меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган ходимлар ҳам ишга кирган кундан бошлаб мазкур рўйхатга киритилиши шарт.

Шу билан биргаликда, доимий фаолият кўрсатётган ходимлар, ишга расмий бириктирилган, лекин вақтинчалик ишлаётган ходимлар алоҳида эътиборга олинади.

ДАЪВО АРИЗАСИНИНГ МУДДАТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Менга судга даъво аризаси ёки шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари ҳақида маълумот берсангиз.

Раъно Салимова, Собир Раҳимов тумани.
Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик процессуал кодекси»нинг 126-131 моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига биноан судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:
- фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб 3 ой;
- фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришини рад этиш ҳақидаги ёзма билдириши олган кундан бошлаб бир ой.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Аудиторлик ташкилотлари қандай хизматларни бажариш ҳуқуқига эга?

Азамат Шоқосимов, Мирзо Улуғбек тумани.
Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига биноан Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги хизматларни кўрсатиш мумкин:
- бухгалтерия ҳисоб-китобини йўлга қўйиш, тиклаш ва олиб бориш;
- молия ҳисоботини тузиш;
- ҳўжалик субъектлари молиявий ҳўжалик фаолиятининг таҳлили;
- миллий молия ҳисоботининг халқаро стандартларга ўтказилиши;
- бухгалтерия ҳисоб-китоби, солиқ тайинлаш, режалаштириш, менежмент ва молиявий ҳўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоб ва декларациялар тузиш.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим
Домо бўлур...

- Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил. Фақат табиятан ҳалол одамнинггина номи баланд.
- Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.
- Узоқ шармандали умрдан кўра, қисқа, ҳалол умрни ҳаммаша афзал кўр.
- Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, ҳалол ва софдил бўл.
- Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма.
- Емон кишилар билан улфатчилик қилма.
- Дунёда тўғрилиқ қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикматлардан ўрнак ол.

Инсонлардаги аjoyиб хулқлардан бири тўғрилиқдир. Тўғрилик одамдаги ҳамма ишларнинг тартиби ва маъромда кетишини таъминлайди. Тўғрилиқ издан чиқдими, демак, ҳамма ишларнинг тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улғу ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қарасанг, уларда тўғрилиқ бўлмаса, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилиқ билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилиқ билан бардам ва устувордирлар.

Ҳикоят:
Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдида бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишибди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:
— Эй Ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасми-сан? — деб сўради.

— Ҳа, мен ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон. — Қўриб турибсанки, ҳозир Ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:
— Рост сўзлашдан, ҳалол бўлишдан, биронинг омонатига хиёнат қилмасликдан, ёлгон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан, — деб жавоб берди.

Абу Али ибн Сино айтиди:
— Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли, ҳалол бўлиш, нафсинг хар орасини баҳо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, муҳтожларга ёрдам этиш эзуглик маъдани, ҳалоллик белгисидир.

Бир донишманддан:
— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавобни берди донишманд.

Яна сўрадилар:
— Қайси яхши одат ҳамма айбни босади?

— Ҳалоллик ва саҳийлик, — деди донишманд.

Ҳиндистон донишмандларидан бири ўз ўлига насиҳат қилиб айтди:

— Ёлгон сўзлаб, “Менинг сўзим тўғри”, деб қасам ичма, тўғри сўзласанг, тўғрилигинга ҳам онд ичма. Кундалик кирим чиқимингни қоғозга ёзиб қўйишга одат қил. Чўқиминг қиримингдан орттиқ бўлмасин. Йиғилишларда даража ва мартабанинг пеш қилиб юқори ўринда ўтиришни талаб қилма. Бойлигинг ва даража-мартабанга мағрур бўлма.

Тошкент шаҳар ҳоқимияти
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати
Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:
Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, ўқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиянгиз аjoyиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдворлар ва бошқа узига хос ландшафт ечимлари яратишга қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни таймиклотчиларга 1 октябргача тақдим этишлари зарур.

Матълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ” радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент” газеталарида.

Зоборилан фотосуратлар ва видеотасмалар кўриқда қўйиб қўйилмади ва қўйилмади.

www.tashkentkamolot.uz
Матълумот учун қўриқнинг 133-31-05, 133-38-03

ЯПОНИЯДАН ҚАЙТИШДИ

Тошкентда Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси асосида Японияда малака ошириб қайтган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-хунар коллежаларнинг 23 нафар ўқитувчиси билан учрашув ўтказилди.

Мазкур тажриба алмашинув дастури ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ва Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга берилган узоқ муддатли кредит асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лойиҳа асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежаларни қуриш, уларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш ҳамда ўқитувчи-педагогларнинг малакаларини ошириш йўналишларида иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунгача мазкур лойиҳа бўйича 106 нафар мутахассис Японияда малака оширди. 23 нафардан иборат ўқитувчилар гуруҳи эса кунчиқар мамлакатнинг қишлоқ хўжалиқ коллежларида бўлиб амалий машғулотларда иштирок этди. Уларнинг 10 нафари чорвачилик, 9 нафари гидромелиорация ва тўрт нафари ўсимликшунослик фанлари бўйича тахсил олиб, япониялик мутахассислар билан тажриба алмашишди.

Учрашувда кунчиқар мамлакатига малака ошириб қайтган ўқитувчилар ўзларининг орттирган тажрибалари билан ўртоқлашиб, уларни мамлакатимиз коллежларида тарғиб қилишларини таъкидлашди.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкентда Ички ишлар бош бошқармаси Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактаби, Республика Ёнгин ўчириш амалий спорти федерацияси ҳамкорлигида ўт ўчирувчиларнинг республика мусобақаси ўтказилди.

Эҳтиётсизлик оқибатида ногаҳон чиққан ёнгин ўз вақтида бартараф этилмаса, қандай кўнгилсизликлар келиб чиқиши барчага аён. Ёнгин содир бўлганда энг аввало ўт ўчирувчиларга мурожаат қиламиз. Ўт ўчирувчилардан эса билим ва кўникмаларини ривожлантириш, замонавий техникадан фойдаланиш сирларини пухта эгаллаш талаб қилинади. Мазкур танлов бу борада ўз ижобий самарасини бермоқда.

Йиғилганлар ҳар бир вилоят ва пойтахт терма жамоасини ўзига хос олқишлар билан қарши олишди. Икки кун давом этган мусобақаларда республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида келган 100 нафардан ортиқ ўт ўчирувчилар иштирок этди. Мустақиллик йилларида ёнгин хавфсизлик хизмати тизими Германия ва Кореядан келтирилган замона-

вий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Улардан фойдаланиш учун ўт ўчирувчиларда энциклик, қаққонлик каби фазилатлар мунжазасам бўлиши керак. Мусобақада иштирокчиларнинг мазкур жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди. Танлов шартларининг мураккаблиги эса ҳар бир жамоадан маҳорат талаб қилди. Танлов ғолиблари эсдалик совғалари ва дипломлар билан мукофотланди.

“Туркистон-пресс”

ЎНГИДАН КЕЛМАГАН «ИШ»

Бугун Козим ака ишдан жуда эрта қайтди. Бундан унинг рафиқаси Гулчехра жуда ҳайрон қолди. Балки турмуш ўртоғи ишдан бўшагандир. «Бундай бўлиши мумкин эмас» ўзича ўйлади Гулчехра, ахир яқинда қизини узатишда, сарпа-суруғ деган нарсалар бор. Гулчехра ҳаяжонини яширмай эрининг вақтли келиш сабабини сурриштира кетди. Козим ака эса бошлиқ билан келишолмай аччиқ қилиб ишдан кетганини бошини куйи солиб айтиб берди. Гулчехранинг фиғони кўкка ошди, ўзини кўярга жой топа олмади. Шунда Козим ака иш топанлигини, бир дўсти 1000 АҚШ доллар эвазига Америкага ишга юборишини айтиб гузурланди.

Гулчехра эрининг ишидан бир оз шубҳаланди. «Лаққа тушиб шу пулдан ҳам айрилмасак бўлгани» деб ўйларди ичда, аммо бу гални сиртига чиқариб Козим акасини шаштидан қайтаргиси келмади. Козим ака эса дўстини чақиришини кутиб уйда бир-икки кун ўтириб қолди, юраги сикилди, кўзларидан йўқ қочди. Охири дўстиникига ўзи борди. Борди-ю, алданганини билди. Дўсти у ердан аллақачон кўчи кетган экан. Бундан хабар топанг уд-дабурон Гулчехра дарров милиция ходимларига қўнғирок қилди.

Тергов жараёнида аниқланишича, ушбу фирибгар Чилонзор тумани, Шифокорлар шаҳарчасида яшовчи, илгари ушланган, ҳеч қерда ишламайдиган М.Дониёр экан. «Ишчан бахтин ишидан излар, ялқов бахтини кишидан излар» дейишади. Бироқ кишидан бахт излаш яхшиликка олиб келмас экан.

БЕКОРЧИДАН БАРЧА БЕЗОР

Ҳафтанинг биринчи кuni бўлмиш душанбани кўпчилик оғир кун дейишади. Ана шу оғир кунларнинг бирида Самат эринибгина «Озик-овқат» дўконини очди. Харидор йўқлигидан кўнадаги одамларни томоша қилиб ўтирди. Дўконнинг олдида бир йигит нуқул у

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ҳаётда ҳеч бир инсон ташвишсиз яшамайди. Кўчага чиқсангиз ҳамма қаергадир шошган, қайгадир югурган. Яшашнинг ўзи шудир балки...

ёқдан бу ёққа юрарди. Самат кимдир кутяпти шекилли деб ўйлади. Қараса тахмини тўғри чиқди. Йигитнинг олдида чамаси ўзи билан тенг бир йигит келди ва улар жуда қуюқ сўрашиб кетишди. Самат эса кузатишда давом этарди. Биринчи йигит шеригининг елкасига қоқиб қўйди. Бунга жавобан иккинчи йигит қаттиқроқ елкага уриш қилди. Биринчи зарбадан кейин иккинчиси, учинчиси улабни кетаверди Самат қараса мушталашув бошланганди, бунга эса Самат томошабон бўлиб тура олмади. Дарров «02» га қўнғирок қилди.

Милиция ходимлари келгунича Қўйлик 4-мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Баҳодир ўзининг дўсти бўлмиш П. Қодирнинг бурнининг суягини синдириб, вақтинча муомалага лаёқатсиз қилиб қўйди. «Ишчанлик тўрга тортар, ялқовлик гўрга тортар» деган экан машойиларимиз. Агар ана шу икки шахс ишланганларида эди, бири калтак емаган, яна бири эса панжара ортида ўтирмаган бўларди.

ТЕГМАГАНГА ТЕГИБ...

Ойниса бугун кун бўйи Фарходни кутиб ўтирди. Бироқ Фарходдан ҳеч дарак йўқ, ерга кирдими, осмонга чиқдими... Ойниса ҳайрон.

Келаман деб кетганига анча бўлди. Қизнинг борган сари хавотирни кучая бошлади, хавотир олишга эса тўлиқ асоси бор эди. Чунки қўшни маҳалладаги

Темур тунов кунни Ойнисанинг ёлғиз кетаётганини кўриб, унга сўз қотди: «Агар яна бир марта сени Фарход билан кўрсам уни ҳам, сени ҳам соғ қўймайман», — деди. Бундан Ойнисанинг жаҳли чиқиб кетди: «Ким билан истасам ўша билан тураман, сени ишинг бўлма-син», — деди энасини қотириб. Бундан Темур бир гижиниб қўйди. Ойниса шулар ҳақида ўйлаб ўтирган-да эшик тақиллаб қолди. Қиз тезда эшикни очди. Уйга Ойнисанинг дўгона-си Нозима келиб, туттала-туттала Фарходни пичоқлаб кетишганини, акаси уни ҳимоя қилмоқчи бўлганида унга ҳам санчишганини гапирга кетди. Ойнисанинг нафаси томоғига тикилди...

Уша кун тезкор тергов гуруҳи Қорақамиш 2/1 даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Темурни қўлга олди. Фарход «ўнг қорин қисмида кесилган жароҳат», унинг акаси эса «иккала сониде кесилган жароҳат» ташҳиси билан касалхонага ётқизилди. Энди Темур бир ўзи панжарага ҳамроҳ бўлиб анчагача ўтиришига тўғри келади.

Феруза УМРЗОҚОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот
маркази жамоатчи муҳбири

Шурфа олам**ФАЗОДАГИ ТҮЙ**

Яқинда кўпчилик оммавий ахборот воситаларида космонавт Юрий Маленченконинг космосда туриб уйланиши тўғрисида хабар тарқатилди.

Унинг қаллиги Екатерина Дмитриева асли россиялик, бугунги кунда Америкада истикомат қилмоқда. Келин-куёв ўрнига тўйда уларнинг вакиллари иштирок этадиган бўлишди. Бу Техас штати қонун-қоидаларига тўғри келади. Никоҳ эса сиртдан ўқиладиган бўлди.

Аммо қийинчиликлар кейин бошланди. Россия қонунларига биноан, никоҳда айнан куёвнинг ўзи иштирок этиши шарт. Қолаверса, у Россия ҳарбий-ҳаво кучлари учувчиси бўлганлиги учун хориж фуқароси билан оила қуришдан аввал махсус хизмат руҳсатини олиши лозим.

Воқеанинг бундай тус олишидан газабланган келинбола севгилиси билан уларнинг тўйларига ҳеч нарса тўқинлик қилолмаслигини ва ҳар қандай шароитда у Юрийнинг хотини бўлишини айтди. Америкалик Е.Дмитриеванинг нияти амалга ошадими ёки йўқми, ҳозирча номаълум.

АНТИКА ВИСОЛ ОҚШОМИ

Икки севишган — Роки ва Дейв тўйдан кейинги илк висол оқшомини ахлатхонада ўтказишга қарор қилишди.

Бу бечоралар уйсиз кўчада қолишибди деб, ўйламанг, тагин. Гап шундаки, уларнинг иккаласи ҳам ахлатхонада ишлашди ва худди шу ерда танишишган. Рокки Грехем бу ерда ўз обрўсига эга — у бошқарувчи. Дейв эса оддий хизматчи. Висол оқшомини айнан шу ерда нишонлашдек антика фикр куёв боладан чиқди. Тантанани бирон-бир ресторан, ҳеч бўлмаса кичикроқ кафеда ўтказиш ҳақидаги қаллигининг таклифини ҳатто эшитишни ҳам истамади у.

Энг қизиғи шундаки, ёш келин-куёв ибодатхонадан ҳамма каби лимузинда эмас, балки ... ахлат машинасида қайтишган. Аммо аъналар бузилмаган — келин оқ либос, куёв қора костюм-шимда бўлган.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Камолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шахрим" акцияси доирасида "Дилимдасан-пойтахтим" энг яхши эстрада кўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади!

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Кўшиқ шик бора ижро этилиши керак;

Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (мини-диск, CD) ёзилиши керак.

Таклифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ эътибори ҳаққатлар ва радиопуқхислар толоғидан алиқланади.

СЕВИМИ ШАХРИМ

www.tashkentkamolot.uz
Мавзили Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

«Тошкент оқшоми»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек 2003 йил қишки мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан «Сувсоз» трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

16 сентябрь соат 9.00 дан то 17 сентябрь соат 9.00 гача
1. А.Икромов туманида сув босими пасаяди.
2. А.Икромов тумани: «Токзор», «Мустақиллик», «Ўрикзор», А.Икромов, «Уч тепа» маҳалласида, Чилонзор-30, Алгоритм даҳасида сув бўлмайд.

18 сентябрь соат 9.00 дан то 19 сентябрь соат 9.00 гача
1. Миробод туманида умумий сув босими пасаяди.

22 сентябрь соат 9.00 дан то 23 сентябрь соат 9.00 гача
1. Миробод тумани: Кўйлик-1, 2, 3, 4, 5 даҳасида, «Баратхўжа», «Парвона», «Файзиобод», «Оқ билал» маҳалласида сув бўлмайд.

24 сентябрь соат 9.00 дан то 25 сентябрь соат 12.00 гача
1. Чилонзор тумани: 1, 2, 3, 4 мавзелада сув босими пасаяди. Яккасарой тумани: Саломатин, У.Носир, Абдуллаев ва унга таш кўчаларда сув босими пасаяди.

25 сентябрь соат 9.00 дан то 26 сентябрь соат 9.00 гача
1. Шайхонтохур, Чилонзор туманларида умумий сув босими пасаяди.

29 сентябрь соат 9.00 дан то 30 сентябрь соат 9.00 гача
1. Сергели туманида сув босими умумий пасаяди.
2. Миробод тумани: Кўйлик-1, 2, 3, 4, 5, 7 даҳаларида сув босими умумий пасаяди.

30 сентябрь соат 9.00 дан то 30 сентябрь соат 21.00 гача

1. М.Улугбек туманида қисман, Миробод туманида умумий сув босими пасаяди.
2. Ҳамза тумани: Чизельный даҳаси, Ген. Петров кўчаси ва унга туташ кўчаларда сув бўлмайд.

2 октябрь соат 9.00 дан то 3 октябрь соат 9.00 гача
1. Чилонзор тумани 1, 2, 3, 4 мавзелада, Фарҳод, Чўпонота ва унга туташ кўчаларда сув босими пасаяди.
2. Яккасарой тумани: Саломатин, Абдуллаев, У.Носир кўчаларида сув бўлмайд.

2 октябрь соат 9.00 дан то 3 октябрь соат 21.00 гача
1. М.Улугбек тумани: «Яланғоч», «Феруза», ТТЗ-1, 2, 4 даҳаларида, Лимонарий жамоа хўжалиғида, Мўминов кўчасидан то Ҳарбий госпиталгача сув бўлмайд.

8 октябрь соат 9.00 дан то 9 октябрь соат 12.00 гача
1. Яккасарой туманида умумий сув босими пасаяди.
2. Сергели тумани: Чоштепа, Саъдий кўчаларида сув бўлмайд.

Ҳамза тумани: Слоним, Жарқўрғон, Фарғона йўли, Боку, Олимпент кўчалари чегарасида
Миробод тумани: Фарғона йўли, Нукус, Стародубцев, Олтинкўл тор кўчалари чегарасида.
Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.
Телефонлар: 152-60-08, 133-15-95, 133-75-95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

худудий органлар фаолиятини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи;
кадрлар ва малака ошириш бошқармаси бошлиғи;
худудий органлар фаолиятини назорат қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари;
индустрия ва ёқилғи-энергетика комплексида хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари;
матбуот котиби.
Танловда иштирок этувчилар учун шартлар:
иқтисод, молия ёки ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича олий маълумот;
ишлаб чиқариш ёки бошқарув органлари соҳасида камида уч йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш;
Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлиши керак.
Танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари:
Резюме, паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй.
Телефонлар: 139-20-40, 139-20-45.**

Спорт

«Юнайтед» жамоаси голиб

Пойтахтимизда автопойга буйича Тошкент шаҳар Кубоги мусобақалари ўтказилди.

Унда қатнашган автопойгачилар А-7, А-8 русумли машиналарда голиблик учун кескин кураш олиб боришди. Ҳар икки русумли автотомобиллар пойғасида ғалаба «Юнайтед» жамоасига насиб этди. Энди автопойгачилар ўртасида Тошкент шаҳар Кубоги бахсларининг учинчи босқичи 24 октябрда ўтказилади.

Ёшлар ишончни оқлашади

Ноябрь ойида БААда футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилиши кўпчилик мухлисларга маълум. Ушбу нуфузли мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўраётган иктидорли мураббий Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоасига гуруҳ бахсларида жаҳоннинг футбол таракқий этган давлатлари Аргентина, Испания, Мали терма жамоаларига қарши майдонга тушишларига тўғри келади.

Шу боис ҳам мамлакатимиз футбол мутасаддилари ўйинчиларимизнинг маҳоратларини ошириш, жисмоний тайёргарлигини янада кучайтириш мақсадида Германиядан Юрген Гетени мутахассис сифатида таклиф этишгани айти мумкин бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, ўқув-йиғин машғулотларида қатнашаётган терма жамоаси германиялик мутахассиснинг таклифига кўра, жаҳон чемпионатида аввалгидек, 4, 4, 2 яъни тўртта ҳимоячи, тўртта ярим ҳимоячи ва иккита ҳужумчи услубида эмас, балки бешта ҳимоячи, учта ярим ҳимоячи ва иккита ҳужумчи иштирокида рақибларига қарши кураш олиб борадилар. Дарвоқе, германиялик мутахассиснинг фикрича, ёшларимизнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабаларига ишонса бўлади. Чунки футболчиларимиз жисмоний ва бошқа жиҳатлардан тайёргарликни маромига етказишяпти. Ва улар ҳеч қайси ҳорижилик рақибларидан маҳорат бобида асло қолишмайдилар.

Каратэчилар — татамида

Пойтахтимизда ёшлар иштирокида каратэнинг кекусинкай тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, каратэнинг бу янги турига қизиққан ва уни пухта ўлаштиришга интилаётган 100 нафар спортчи голиблик учун кескин кураш олиб борди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган ёшларнинг қизқарли чиқишлари мухлислару мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Дарвоқе, ноғирон бўлишига қарамасдан ўзида кучли чидама ва ироддан мўжассамлаштириб ушбу мусобақаларда иштирок этган Адҳам Ибрагимовнинг ҳаракатлари мутахассислару мухлисларни қувонтирди. Қизқарли кечган бахслар якунида эса Мутал Назаров, Сердидёр Мўминов, Санжар Бозоров, Искандар Каримовлар голиб деб эълон қилинди. Голиб ва совриндорларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари тухфа этилди.

Акбар Йўлдошев.

Ўтган йили турнирнинг 30 йиллиги нишонланганди. Албатта кўпчилик теннис ихлосмандларига маълумки, юбилей маросимлари пойтахтимизда биринчи мартаба ўтказилган теннис бўйича Осиё чемпионатининг қизгин бахслари билан бошланди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ilk бор Осиё чемпионати 1972 йилда Гонконгда Халқаро лаун теннис федерацияси томонидан асос солинган. Баъзилар бу тоифадаги турнир биринчи марта 1949 йилда Калкуттада, 1950 йилда — Колумбода ўтказилган дейди.

Осиё федерациясининг ўша кезлардаги Президенти, осиёлик теннисчилари Гонконгга йиғиш истагида катта ташаббус кўрсатган Ху Фаг Куаннинг фикрига қараганда, Осиё чемпионатида кескин бурилиш айнан 1972 йилда юзга келган. «Биринчи чемпионат Қироллар боғида бўлиб ўтди ва ўйинлар жараёнида шундай сел ёғдики, қортларни финалга тайёрлаш анча мураккаб кечди. Гап шундаки, ўшанда майдонни тезроқ қуритиш учун уни керосин қуйиб ёндиргандик...» — эслаб ёзади «Теннис оламидаги ҳаёт» китобида Ху Фаг Куанг.

Биринчи чемпионат мусобақаларида Гонконгдан ташқари Жанубий Корея, Сингапур, Цейлон, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Эрон, Япония, Тайвань, Фи-

липпин — жами 12 давлат вакиллари қатнашган бўлса, минтақа теннисчилари чемпионат голиби унвонини

дан сўнггина минтақавий турнирда профессионал теннис усталари ҳам иштирок эта бошлаган. Ўтган ўн йил да-

вомида эса Осиё чемпионатининг корпоратив ҳимойлаши аниқланиши билан бирга, турнир деярли барча Осиё давлатларида қизиқши уйғотибгина қолмай, уларнинг кўпчилиги ўз пойтахтида Осиёро теннис бўйича мусобақаларни ўтказишга ҳам шайланиб қолди.

Тўрт йил давомида (1991-94 йилларда) чемпионат Salem Asian Championships номи билан Гонконгда ўтказилди. 2001 йилда эса бу тоифадаги турнир яна ўз ватанига қайтди. Унда эркаклар ўртасида чемпион деб тан олинган тайпейлик Шричафан Парадорн ўтган йили Тошкентда — Ўзбекистон Президенти Кубоги учун турнирда ҳам яхши ўйин кўрсатди.

Тошкент 2002 йилдан

Осиё чемпионати—2003



ТАРИХГА БИР НАЗАР

Аввал хабар берганимиздек, 20-27 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги Тошкент теннис маркази кортларида «Осиё чемпионати—2003» турнири бўлиб ўтади.

қўлга киритиш учун олов ва ёмғир билан узоқ курашишга тўғри келди, десак муболага бўлмайди.

Узоқ мурасасиз беллашувлар натижасида эронлик Тағхи Акбари энг кучли топилди, голиблик шохқуладан ўрин олди. Кейинчалик бу тоифадаги турнирлар Манила, Жакарта, Пекинда ўтказилган бўлса, мутахассисларнинг айтишича, қутилмаганда энг қизиқарли чемпионат 1997 йилда Тайпейда бўлиб ўтган. Унда аёллар ўртасида якка, жуфтлик ҳамда аралаш жуфтлик — микст мусобақаларида маҳаллий теннисчи Ванг Ши Пинг ютиб чиққан.

Айтиб ўтиш жоиз, 1989 йилгача Осиё чемпионати ҳаваскорлар учун мўлжалланган, яъни фақат 17 йил-

вомида эса Осиё чемпионатининг корпоратив ҳимойлаши аниқланиши билан бирга, турнир деярли барча Осиё давлатларида қизиқши уйғотибгина қолмай, уларнинг кўпчилиги ўз пойтахтида Осиёро теннис бўйича мусобақаларни ўтказишга ҳам шайланиб қолди.

Тўрт йил давомида (1991-94 йилларда) чемпионат Salem Asian Championships номи билан Гонконгда ўтказилди. 2001 йилда эса бу тоифадаги турнир яна ўз ватанига қайтди. Унда эркаклар ўртасида чемпион деб тан олинган тайпейлик Шричафан Парадорн ўтган йили Тошкентда — Ўзбекистон Президенти Кубоги учун турнирда ҳам яхши ўйин кўрсатди.

Тошкент 2002 йилдан

АНЖУМАНЛАР

ЧЎҶҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ

Куни кеча «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг «Самарқанд» анжуманлар залида Ўзбекистон альпинизми ва тоғ спорти федерацияси вакиллари билан оммавий ахборот ходимларининг матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда минтақада 2003 йил мавсуми якуни, Ўзбекистонлик альпинистларнинг қўлга киритган ютуқлари таҳлили ва келгуси мавсумда амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Анатолий Шабанов, альпинизм бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари Светлана Баскакова, Ильяс Тухватуллин, Андрей Федоров, «Sof Qadoqlangan Mahsulotlar» компанияси вакили Дилмурод Тиллахўжаев, «Atlantida tour» сайёҳлик фирмаси вакили Владимир Долгийлар иштирок этишди. Шунингдек анжуманга россиялик меҳмонлар, альпинизм бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари Павел Шабалин ва Сергей Тимофеевлар ҳам таклиф қилинди.

— 18 ёшимдан буён шундай хатарли, лекин кишига оламол хузур бахш этадиган касб билан шугулланаман. — Биринчи марта 1979 йили Тяньшан тоғларига кўтарилган эдим. Шундан буён менинг энг олий мақсадим — чўққиларни забт этиш, десам ҳто қилмайман. Шу давргача қатор халқаро совринларни қўлга киритдим. Ўзбекистонда альпинизм ва тоғ спорти жуда яхши ривожланиш йўлидан бормоқда. Менда Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан биргаликда ишлаш иштиёқи катта. Бугунги анжуманга таклиф қилинганимдан хурсандман, — деди жумладан альпинизм бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Павел Шабалин. Анатолий Шабанов альпинистларнинг бўш пайтларида нималар билан шугулланишлари, альпинизм ва тоғ спорти юртимизда кенг ривож топтириш учун ҳимойлар томонидан кўрсатилаётган ёрдам, Ўзбекистон альпинистларининг қўшни давлатлар, хусусан, Россия билан ҳамкорлиги борасида қисқача сўзлаб ўтди.

Яна анжуман қатнашчилари журналистларни қизиқтирган баъзи саволларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Анжуман иштирокчилари альпинизм ва тоғ спорти федерацияси билан оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш, телевидение орқали ушбу спорт турини кенгроқ ёритиб борадиган алоҳида кўрсатувлар тайёрланишини йўлга қўйишнинг мақсадга мувофиқлигини қайд этишди. Анжуман якунида иштирокчилар эътиборига ҳимойлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши қутилаётган катта лойиҳа ҳавола этилди.

Соҳиба УМАРОВА.

ТАБАССУМ

Икки қўшни аёл суҳбатлашарди:

— Кўшнижон, бир йилдирки эринг қуринмайди, тинчликми? — Тинчлик. Артист эмасми, кўрнимас одам ролига тайёрланмаётганимиш. ...

— Каерда эдингиз? — Кеч келган эридан сўради аёл.

— Кўшникида роса шахмат ўйнадим.

— Нега бўлмаса сиздан ароқ хиди келяпти?

— Шахматнинг ҳиди бўлмаса мен айбдорми? ...

— Ёшлигингда бировни яхши қурганмисан? — сўради эр хотинидан.

— Ҳа, бўлмасамчи сутни яхши кўраддим, — деди хотини.

— Дада, — сўради ўқувчи отасидан, — сиз ҳам математикадан икки олармидингиз?

— Ҳа, нима эди?

— Тарих тақдорланиб турар экан-да. ...

— Эртага менга уйлангингга йиғирма йил бўлади, — эркаланди хотини.

— Қўлган битта хатоимни йиғирма йилдан бери юзимга солсан-а? ...

Ҳурматли дам олувчилар! Кимда-ким тушлик таомини еб қўймаган бўлса, уни кечқурун ейиши мумкин.

КУЛОҚКА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Кеча Аҳмадникида отавериб-отавериб қотиб қолибмиз. (Улфатлар суҳбатидан). ...

Куча-қўйда юрганга тилингдан бол томсин. (Онанинг ўғлига насихатидан).

Аккумулятор ўтириб қолибди. (Ҳайдовчи ноласи).

Ойижон, қўй гўштидан олинг, пулгиниз узингиз билан кетади. (Қассоблар изоҳидан).

Юк машиниси орқадан келиб шунақа урдик, дабдалам чиқиб кетди. Энди ўзи орқамни тузатиб берадиган бўлди. (Шифокор суҳбатидан). ...

Физика келмади, уни ўрнига химия, сен кир. (Мақтаб директори).

Ўғлим, бор, ўйинқароқ синглинги оёғини ерга теккизмай олиб келгин. (Онанинг ўғлига топшириғи). ...

Э, меҳмон, келинг, қайси шамол учирди! (Меэбон лутфидан).

Э, қоранг ўқисин, сени, шилқим. (Қизлар бисотидан).

Ўтган куни Илҳом ўғлини чойхонада ютди. (Ошналор суҳбатидан).



Соҳиба УМАРОВА.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзиллари: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳоқимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-2970;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулсида босилади.
4294 нусхада босилади. Қоғоз бирини А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рўқани билан рўйхатга олинган

Наширинг етказиб бериш масаллари бўйича турар жойларга почта бўламларига ези «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-нашриот акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707.

Тошширилди 13.00

1 2 3 4 5 6